

ISSN 2181-5674

PROBLEMS OF  
**BIOLOGY** *and*  
**MEDICINE**

**БИОЛОГИЯ** *ва*  
**ТИББИЁТ**  
**МУАММОЛАРИ**

2021, № 4 (129)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**PROBLEMS OF  
BIOLOGY AND MEDICINE**

**БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ  
МУАММОЛАРИ**

**ПРОБЛЕМЫ БИОЛОГИИ  
И МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по теоретическим и практическим  
проблемам биологии и медицины  
основан в 1996 году  
Самаркандским отделением  
Академии наук Республики Узбекистан  
Выходит один раз в 2 месяца

*Главный редактор – Ж.А. РИЗАЕВ*

Редакционная коллегия:  
*Н.Н. Абдуллаева, С.А. Блинова,  
С.С. Давлатов, Ш.Х. Зиядуллаев,  
З.Б. Курбаниязов (зам. главного редактора),  
К.Э. Рахманов (ответственный секретарь),  
Б.Б. Негмаджанов, М.Р. Рустамов, Н.А. Ярмухамедова*

*Учредитель Самаркандский государственный  
медицинский институт*

**2021, № 4 (129)**

## Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100,  
г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18.

### Телефон:

(99866) 233-36-79

### Факс

(99866) 233-71-75

### Сайт

<http://pbim.uz/>

### e-mail

[pbim@pbim.uz](mailto:pbim@pbim.uz)


[sammi-xirurgiya@yandex.ru](mailto:sammi-xirurgiya@yandex.ru)

## О журнале

Журнал зарегистрирован  
в Управлении печати и информации  
Самаркандской области  
№ 09-26 от 03.10.2012 г.

Журнал внесен в список  
утвержденный приказом № 219/5  
от 22 декабря 2015 года реестром ВАК  
при Кабинете Министров РУз  
в раздел медицинских наук

## Индексация журнала



## Редакционный совет:

Х.А. Акилов	(Ташкент)
М.М. Амонов	(Малайзия)
Т.У. Арипова	(Ташкент)
О.А. Атаниязова	(Нукус)
А.В. Девятов	(Ташкент)
Б.А. Дусчанов	(Ургенч)
А.Ш. Иноятов	(Ташкент)
А.И. Икрамов	(Ташкент)
А.К. Иорданишвили	(Россия)
Б. Маматкулов	(Ташкент)
Ф.Г. Назиров	(Ташкент)
А.Ю. Разумовский	(Россия)
В.М. Розинов	(Россия)
Л.М. Рошаль	(Россия)
Ш.Ж. Тешаев	(Бухара)
А.М. Шамсиев	(Самарканд)
А.К. Шодмонов	(Ташкент)
А.М. Хаджибаев	(Ташкент)
Б.З. Хамдамов	(Бухара)
М.Х. Ходжибеков	(Ташкент)
Diego Lopes	(Италия)
Jung Young Paeng	(Корея)
Junichi Sakamoto	(Япония)
May Chen	(Китай)
Rainer Rienmuller	(Австрия)
Sohei Kubo	(Япония)

Подписано в печать 23.09.2021.

Формат 60×84 1/8

Усл. п.л. 29,76

Заказ 343

Тираж 100 экз.

Отпечатано

в типографии СамГосМИ.

140151, г. Самарканд,

ул. Амира Темура, 18

Файзиев Х.Б., Саламов В.Б.  
Бош мия жароҳатидан сўнг 14 кун давомида лаборатория каламушларининг талоқ тўқимасида кечган морфологик ўзгаришлар

197

Fayziev Kh.B., Salamov V.B.  
Morphological changes in the spleen tissue of laboratory rats on day 14 after traumatic brain injury

Хусейнова Г.Х.  
Уч ойлик оқ зотсиз каламуш буйракларининг норматив морфометрик кўрсаткичлари

201

Khuseynova G.Kh.  
Regulatory morphometric indicators of kidneys of three monthly white rats

### Обзор литературы

### Review of the literature

Абдурахимова Л.А., Гадаев А.Г.  
Тиббий таълимда инновацион ёндошув: оилавий шифокорларни тайёрлашда илмий изланувчанлик қобилиятини ривожлантириш

204

Abdurakhimova L.A., Gadaev A.G.  
Innovative approach to health education: development of scientific research capacity in training family doctors

Ахмедов Р.Ф., Нормаматов Б.П., Нарзуллаев С.И., Турсункулов Ж.К.

210

Akhmedov R.F., Normamatov B., Narzullaev S.I., Tursunkulov J.  
Aspects of etiopathogenesis and diagnosis of burn sepsis

Куйиш сепсисининг этиопатогенези ва диагностикаси аспектлари

Баратов М.Б., Курбаниязов З.Б., Аскарлов П.А.  
Ўт-тош касаллиги асорати сифатида сафроли перитонитнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, диагностикаси ва даволаш муаммоси

214

Baratov M.B., Kurbaniyazov Z.B., Askarov P.A.  
The problem of the emergence, development, diagnosis and treatment of biliary peritonitis as a complication of gallstone disease

Гадаев А.Г., Абдурахимова Л.А., Ахмедов Х.С.  
Тиббий таълим: истикболли режалар, ривожлантириш тамойиллари, мавжуд муаммолар ва ечимлар

221

Gadaev A.G., Abdurakhimova L.A., Akhmedov Kh.S.  
Medical education: perspectives, development principles, existing problems and solutions

Индиаминова Г.Н.  
Коронавирусная (COVID-19) инфекция во время беременности: клиническое течение и перинатальные исходы

226

Indiaminova G.N.  
Coronavirus (COVID-19) infection in pregnancy: clinical course and perinatal outcomes

Исмаилов С.И., Туксанов А.И.  
Современное состояние проблемы хирургического лечения внепеченочной портальной гипертензии

230

Ismailov S.I., Tuksanov A.I.  
Current state of the problem of surgical treatment in extrahepatic portal hypertension

Маматалиев А.Р., Орипов Ф.С.  
Экспериментал жигар циррози шароитида тўғри ичак интрамурал нерв, диффуз эндокрин ва иммун аппаратларининг морфологияси

235

Mamataliyev A.R., Oripov F.S.  
Morphology of the intramural nervous, diffuse endocrine and immune apparatus of the rectum in experimental liver cirrhosis

Оллаберганов М.И., Рузибаев Р.Ю.  
Остеопороз касаллигининг келиб чиқишида ошқозон резекциясининг аҳамияти

239

Ollaberganov M.I., Ruzibaev R.Yu.  
Influence of gastric resection on osteoporosis

Умурова Н.М.  
Полинознинг экологик томонлари

245

Umurova N.M.  
Ecological aspects of pollinosis

Эргашев А.Х., Юлдашев Б.А., Маматкулова Ф.Х.  
Новые представления о бронхиальной астме у детей

249

Ergashev A.Kh., Yuldashev B.A., Mamatkulova F.Kh.  
New concepts of bronchial asthma in children

УДК: 378.091:61:33-338

**ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВ: ОИЛАВИЙ ШИФОКОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЛМИЙ ИЗЛАНУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Абдурахимова Лола Анваровна, Гадаев Абдигаффор Гадаевич  
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К МЕДИЦИНСКОМУ ОБРАЗОВАНИЮ: РАЗВИТИЕ НАУЧНО - ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ ПРИ ПОДГОТОВКЕ СЕМЕЙНЫХ ВРАЧЕЙ**

Абдурахимова Лола Анваровна, Гадаев Абдигаффор Гадаевич  
Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**INNOVATIVE APPROACH TO HEALTH EDUCATION: DEVELOPMENT OF SCIENTIFIC RESEARCH CAPACITY IN TRAINING FAMILY DOCTORS**

Abdurakhimova Lola Anvarovna, Gadaev Abdigaffor Gadaevich  
Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [ldzhalolova@inbox.ru](mailto:ldzhalolova@inbox.ru)

**Резюме.** Мақолада тиббий таълим жараёнида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда муҳим бўлган педагогик ёндошув яъни ўзига хос педагогик технологиянинг қўлланилиши ёритилган. Мазкур технология тўрт таркибий қисмдан иборат бўлиб, ўз ичига маълумотлар олиши ва таҳлил қилиши, коммуникатив қобилиятларни ривожлантириши, инновацион ёндошув асосида ахборот технологиялардан унумли фойдаланиши ҳамда баҳолашда верификацион усуллардан фойдаланишни қамраб олган. Ушбу педагогик технология клиник фанларни ўқитишда таълим олувчиларнинг назарий, амалий билимларини мустақамлаш билан бир қаторда замонавий усулларни қўллаш, илмий изланувчанликка интилиши ҳамда шахслар аро мулоқот кўникмаларини ривожлантиришига қаратилгандир.

**Калим сўзлар:** тиббий таълим, педагогик технология, информация, инновация, верификация, коммуникация.

**Abstract:** The article discusses a pedagogical approach for training highly qualified specialists in the process of medical education, using new pedagogical technologies. The technology has four components, including data collection and analysis, the development of communication skills, the effective use of information technology through an innovative approach, and the use of assessment and self-assessment techniques. This pedagogical technology is aimed at strengthening the theoretical and practical knowledge of students in teaching clinical subjects

**Key words:** medical education, pedagogical technology, information, innovation, verification, communication

**Долзарблиги.** Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида буюк ислохатлар туфайли юртимизда обод ва эркин фаровон ҳаёт барпо этилди. Шу билан бирга таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бир қатор ҳужжатларда белгилаб берилди ва шулар асосида муҳим йўналиш ва натижалари ижроси таъминланиб келинмоқда [2,5,10].

Маълумки, ҳозирги кунда олий тиббиёт юртлири олдига малакали, рақобатбардош, эркин

фикрлай оладиган, қобилиятли, яъни, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида профилактик, эрта ташхислаш ва даволаш вазифаларни ташкиллаштира оладиган оилавий шифокор тайёрлаш устувор вазифаси қўйилмоқда [7,11]..

Олий ўқув юртлирида оилавий шифокорларни тайёрлашнинг муҳим шарт шароитлари – мустақамлик ҳамда мувофиқлик ҳисобланади. Ушбу мақсаднинг амалга оширилишини таъминлаш учун янги ёндашувлар,

технологиялар зарур, хусусан, таълим жараёнини олиб боришда талабаларни нафақат назарий билимларини шакллантириш балки келажакда доимий равишда ўз устида ишлаши учун уларнинг илмий изланувчанлик қобилитини шакллантириш муҳим йўналиш бўлиб ҳисобланадими [1,4,8].


Оилавий шифокорлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида, талабаларда ижодий фаолликни ошириш ҳамда клиник фикрлашни шакллантирувчи, амалий кўникмаларни ўрганишга ундовчи янги илмий, педагогик ва инновацион-информацион технологияларни қўллаган ҳолда уларнинг илмий-тадқиқот усулларини билиши ва амалиётда қўллаш олиши муҳим аҳамият касб этади [3,6].

Тиббий таълим жараёнида мутахассисларни тайёрлашда барча турдаги машғулотларда

инновацион ёндошув ҳамда мақсадли интерфаол усулларни қўллашнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Хусусан амалий машғулотларни олиб боришда талабаларни назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларга ўргатиш ҳамда илмий изланувчанликка йўналтирилган педагогик технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир [9,12].

Тошкент тиббиёт академиясида битирувчи курс талабалари ўртасида клиник фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш самарали натижлага олиб келди. Тадқиқот жараёнида малакали мутахассисларни тайёрлашда илмий изланувчанликни ривожлантиришга қаратилган янги технологиядан қўлланилди (1ва 2- расмлар).





Мазкур педагогик технология таркибига информатсион, коммуникатив, инновацион, верификацион компонентлар киритилган бўлиб, куйидаги тамойилларни ўз ичига олган: таълим ва тарбиянинг мустақил таълим олиш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, гуруҳ ва жамоада ишлаш, шахсий кўникмаларни ривожлантириш, илмий - амалий ва педагогик изланувчанликка ўргатиш, фаолиятни баҳолаш ва амалиётда қўллаш.

**Информацион компонент** таркибда талабаларга фан доирасида зарур маълумотларни бериш, таҳлилий босқичларни ўргатиш, инсоний фазилатларни ривожлантириш, мустақил таълим олишга ундаш жараёни эрталабки конференция методологиясидан фойдаланиш орқали эришишга қаратилган бўлиб, талабалар гуруҳига умумий ҳамда индивидуал ёндошув асосида кўрсатмалар берилади (3 ва 4 - расмлар).

**Инновацион компонент** давомида талабаларга илмий жараёнлар, ёндошувлар, қарашлар бўйича маълумотларни янги талқинда тақдим этиш ҳамда ритиш орқали эришиш назарда тутилган. Мазкур босқичда фан ёки мавзу бўйича долзарб муоммолар ёки касалликлар бўйича маълумотлар таълим олувчиларнинг кизиқишлари асосида тақсимланиб, ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ёритиш талаб қилинади. Ушбу жараёнда ESC CLINICAL PRACTICE GUIDELINES ҳамда COCHRANE LIBRARY базасига таянган ҳолда маълумотларни олиш ҳамда таҳлил қилиш жараёни ўргатилади. Талабаларга мавзу доирасида илмий нашрларни йўналиш ҳамда йиллар кесимида, долзарблиги бўйича тўғри танлаш билан бирга турли протоколлар, стандартлардан фойдаланиш усуллари қўлланилади. Мазкур компонентнинг асосий қисмида талабалар томонидан танлаб олинган илмий нашрлар асосида мавзу доирасида илмий мақола тайёрлаш кўникмасига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда талабаларга мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда маълумотларни мазмунан ёритиш, таҳлил натижаларини тўғри талқин қилиш, олинган натижалар асосида жадваллар, диаграммаларни тузиш турлари ўргатилади. Мазкур жараёнда касалликлар бўйича турли йўналишларни танлаб олиш имкони берилади: умумий маълумотларни шарҳлаш, эпидемиологик кўрсаткичларни ва хавф омилларни ёритиш, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш тамойиллари ҳамда профилактика чора тadbирлари бўйича маълумотлар таҳлили келтирилади. (5 ва 6 – расмлар).

Инновацион компонентнинг ўзига хос томони шундан иборатки, бунда талабаларни

илмий изланувчанликка интиштиришда икки тамойилдан унумли фойдаланилади: замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш ҳамда технологияларни қўллашда талабаларни фаол жалб этиш.

Мазкур жараёнда мавзунинг мураккаблик даражаси ҳамда талабаларнинг фаоллигини инобатга олган ҳолда куйидаги технологиялардан унумли фойдаланиш ва талабалар томонидан мустақил ёки ҳамкорликда амалга ошириш тавсия қилинади:

- компьютерли-ахборот технологияси;
- модул технологияси;
- диагностик технология;
- мультимедиа технология;
- интерфаол усулли технология;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- мустақил таълим технологияси;
- билимни баҳолаш технологияси;
- педагогик ҳамкорлик технологияси;
- педагогик ўйинлар технологияси,
- клиник аудит, аналитик таҳлил ва бошқалар

Педагогик технологияларни танлашда талабалар томонидан танланган йўналиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Мазкур компонентни амалга ошириш учун илк бора ўтказишда куйидагича ёндошувлардан бирини танлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Талабалар томонидан бир мавзу ва йўналишни танлаш ҳамда уларни индивидуал таҳлил натижаларини муҳокама қилиш;
2. Кичик гуруҳларга бўлиб икки ёки ундан ортиқ муоммони бир хил йўналишда ёритиш;
3. Ҳар бир талаба томонидан турлича касалликларни шарҳлаш йўналишида ёритиш ва турли хулосаларни солиштириш.
4. Мураккаб ёки долзарб муоммони ҳар томонлама гуруҳлар кесимида таҳлил қилиш ва ҳамкорликда ҳал қилиш.

Мазкур жараёнда педагогнинг маҳорати ўта муҳим бўлиб, танланган ёндошувда қайси турдаги педагогик технологияни қўллаш зарурлигини тўғри аниқлай олиши лозим. Шу билан бирга мавзу доирасида янгиликлар, янги қарашлар ва замонавий ташхислаш ҳамда даволаш усулларига алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

**Коммуникатив компонент** ўз ичига педагог бошчилигида таълим олувчиларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш, ўринли фойдаланиш ҳамда жамоа ҳамкорликда у ёки бу турдаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган тамойилларни ўз ичига олади. Маълумки ҳар бир шахс у ёки бу турдаги коммуникатив компетенцияларга эга бўлиб, бир қатор омиллар таъсирида мавжуд қобилиятларини кўрсатиш имкони бўлмайд.



Мазкур босқичда педагогнинг асосий вазифаси талабаларда мавжуд коммуникатив хусусиятларни кўра билиш ҳамда ўқув жараёнида намоён қилишга ҳамда бошқа компетенцияларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Коммуникатив босқични амалга оширишда машғулот давомида танланган мавзу доирасида ҳамда ҳаётий мисоллар ёрдамида шахслар аро мулоқот кўникмаларига ўргатиш муҳим бўлиб, мазкур жараёнда талабаларнинг фаоллиги, уларнинг ҳар бирини тинглаш ва рағбатлантириш лозимдир. Педагог талабалар ўртасида жамоа ва гуруҳда ишлаш ҳамда ўзаро ҳурмат кўникмаларини ривожлантиришда коммуникатив компетенцияларнинг таркибий қисмларини билиши ҳамда ўз ўрнида қўллаш олиши мақсадга мувофиқдир (7 ва 8 расмлар).

Фан бўйича танланган мавзунини муҳокама қилишда илмий ва педагогик фаолиятни фаоллаштириш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш давомида шахслар аро мулоқот кўникмаларининг қуйидаги хусусиятлари бўйича аниқ маълумотлар бериш ва шифокорлик амалиётда қўллаш усуллари ўргатиш лозим:

1. Шахслар аро мулоқот тамойиллари ва оилавий шифокор маслаҳати;
2. Шахслар аро мулоқотнинг мазмун ва моҳияти;
3. Мулоқот турлари;
4. Шахслар аро мулоқот таснифи (бирламчи ва иккиламчи);
5. Шахслар аро мулоқот психологияси;
6. Шахслар аро муносабат элементлари;
7. Шахслар аро мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва атроф муҳит билан боғлиқлиги;
8. Муомила маданияти ва зиддиятларни бартараф этиш;
9. Турли терминларни қўллаш;
10. Шахслар аро мулоқот кўникмасини ривожлантириш.

Коммуникатив кўникмаларни ривожлантиришда талабаларнинг жамоа, гуруҳ ёки беморлар билан бевосита ишлаш жараёнида фаол тинглаш, новербал коммуникация, саволларни тўғри шакллантирган ҳолда бериш, тушунтира олиш ҳамда хабардорлик ва ҳайрихоҳлик қобилиятларига алоҳида аҳамият бериш лозим.

**Верификацион компонент** яқунловчи босқич сифатида иккита ташкилий қисмдан тузилган бўлиб, баҳолаш ва амалда қўллаш жараёнларига қаратилган (9 ва 10 расмлар).

Ўқув жараёнини тўрт йўналишда баҳолаш назарда тутилган бўлиб, педагог томонидан ҳолисона ҳамда талабаларни ўз ўзини баҳолаши ҳам инobatга олинади. Биринчи яъни назарий билимларни баҳолашда таълим олувчиларнинг мавзу доирасида асосий ва қўшимча

маълумотларни танлай олиши ҳамда тўғри тавсифлашига эътибор қаратилади. Иккинчи йўналиш - ахборот технологияларидан фойдаланиш яъни маълумотлар базаси билан ишлаш, турли жадвал, диаграмма ва расмларни ҳамда бошқа турдаги намоёшлик материалларни тайёрлаш кўникмалари, хорижий тилларни эгаллаши ҳам баҳоланади. Кейинги йўналиш яъни илмий педагогик фаолият бўйича илмий изланувчанлик қобилияти, педагогик технологияларни қўллашдаги фаоллиги ва мустақил қўллаш олиш қобилиятлари назарда тутилади. Сўнгги йўналишда эса таълим олувчиларнинг коммуникатив қобилиятлари, жамоадаги фаоллиги ҳамда олган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш олиши баҳоланиб, рағбатлантиришнинг турли усуллари қўлланилади.

Тиббиёт соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда клиник фанларни ўқитиш жараёнида, хусусан битирувчи курсларда таълим олаётган талабалар ўртасида ўқув жараёнида қўлланилган ўзига хос педагогик технология тўрт компонентдан яъни – информатсион, инновацион, коммуникацион ва верификацион босқичлардан иборат бўлиб, янги талқиндаги ICIV – RANGE (INFORMATION, COMMUNICATION, INNOVATION, VERIFICATION) технологияси ўзининг ижобий натижаларини берди.

Талабалар ва педагоглар ўртасида ўтказилган сўровномалардаги ижобий фикрлар, клиник фанлар бўйича олинган рейтинг баҳолари бўйича ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларининг ошиши, амалий кўникмаларни эгаллаш даражасининг ва мустақил таълим олишга интилишнинг кучайиши ҳамда таълим жараёнида талабалар томонидан илмий тадқиқот ишларига қизиқишнинг ошиши, илмий мақолаларни тайёрлашда фаолликнинг кучайиши мазкур педагогик технологияни қўллаш бўлғуси оилавий шифокорларни тайёрлашда ва педагог ходимларнинг ўз устида ишлашларига туртки бўлишларига имкон беради. Тиббий таълим жараёнида малакали оилавий шифокорларни тайёрлашда педагоглар томонидан турли хил педагогик технологияларни қўллаш, улардан таълим йўналишлари, курслар, фанлар кесимида ўз ўрнида қўллаш ҳамда фанлар аро вертикал ва горизонтал интеграцияга эришиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга тиббиёт соҳасида содир бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиш, нафақат назарий ва амалий, балки илмий изланувчанлик билан ўз устида ишлашга ўргатиш орқали бўлғуси мутахассисларни тайёрлашда ижобий натижаларга эришиш имкони мавжуддир.

### Адабиётлар:

1. Абдуллаева Ш., Чориев Р. Хамкорлик педагогикаси. -Т.: «Катгуп Press», 2016. -73-74-б.
2. Маъмуров Б.Б. Укувчи шахсига йуналтирилган укув- билув жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари. Монография. - Т.: «Нихол», 2014. -94-б.
3. Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. -Т.: Фан ва технология. -2009. 159 с.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. // пед.фан.докт. илмий дар.учун дисс. -Т.: 2007. - 305 б.
5. Бондаревская, Е.В. Теория и практика личностноориентированного образования / Е.В.Бондаревская. - Ростов-н/Д: Изд. Рост, пед. ун-та, 2000. - 351 с
6. 44. Галагузова, М. А. Интегративно-дифференцированная подготовка специалистов социальной сферы: научно-практический аспект: Монография / М.А.Галагузова, Ю.Н.Галагузова. - М.: Владос, 2010. - 222 с
7. Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. -Тошкент, 2010. 87б.
8. Иноятов У.И. Замонавий электрон дидактик воситаларни яратиш, таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни куллаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо// Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истцболлар// халқаро илмий конференция Т.: 27 апрель, 2018 йил.
9. Исянов Р.Г ва б. Олий таълим муассасалари уқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Монография. -Тошкент, 2011. 72 б.
- 10.Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-уқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Тошкент, Истеъдод, 2008. - 180 б.
- 11.Малёв, А.В. Формирование коммуникативно-методической компетенции студентов-бакалавров

в условиях ННТерpatsm курсов методики и практики речи (языковой факультет, педагогический вуз): Дисс. ... канд. пед. наук / А.В.Малёв. - М., 2005. - 155 с.

- 12.Муслимов Н.А., Куйсинов О.А. Касб таълими йуналиши бакалаврларни тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. -Т.: Фан, 2009.
- 13.Невмержицкая Е.В. Информационные технологии в аспекте образовательной коммуналш / Е.В.Невмержицкая // Внедрение проектных технологий в инновационное развитие профессионально-образовательных систем: материалы Всероссийской XI научно-практической конференции. - Воронеж: ВГПГК, 2009. - С. 133-135.
- 14.Jackson, N., Lund, H., (2000) Benchmarking for Higher Education. Buckingham: SRHE and Open University Press, p.33

### **ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К МЕДИЦИНСКОМУ ОБРАЗОВАНИЮ: РАЗВИТИЕ НАУЧНО - ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ ПРИ ПОДГОТОВКЕ СЕМЕЙНЫХ ВРАЧЕЙ**

Абдурахимова Л.А., Гадаев А.Г.

**Резюме.** В статье рассматривается педагогический подход для подготовки высококвалифицированных специалистов в процессе медицинского образования, с помощью использования новых педагогических технологий. Технология состоит из четырех компонентов, включая сбор и анализ данных, развитие коммуникативных навыков, эффективное использование информационных технологий на основе новаторского подхода и использование методов оценки и самооценки. Данная педагогическая технология направлена на укрепление теоретических и практических знаний студентов при преподавании клинических дисциплин.

**Ключевые слова:** медицинское образование, педагогические технологии, информация, инновация, верификация, коммуникация.